



**Андижон вилояти статистика бошқармаси ва ҳудудий статистика бўлимларида 2019 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| №                                                                                                                                                                                                                                           | Бажариладиган тадбирлар                                                                                                                                                                                                                                   | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                                                                                | Бажариш муддати                                 | Бажариш учун масъуллар                                                                                                                                                                                       |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>I. Аҳолининг, шу жумладан статистика хисоботларини топширувчи, статистика кузатувларида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш</b> |                                                                                                                                                                                                                                                           |                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                                 |                                                                                                                                                                                                              |
| 1.                                                                                                                                                                                                                                          | Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган Давлат дастурлари ва бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун моҳиятини тушунтиришга бағишланган тадбирларни ташкил этиш.  | Аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, жумладан статистика хисоботларини топширувчи, статистика кузатувларида иштирок этувчи субъектлар ва тизим ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар, тренинглар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.             | 2019 йил давомида (ҳар чорақда камида биттадан) | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Андижон вилояти статистика бошқармасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоровий комиссия (кейинги ўринларда- Идоравий комиссия), ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқлари |
| 2.                                                                                                                                                                                                                                          | Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган кўргазмалар ва тарқатма материаллар (плакатлар, баннерлар, буклетлар ва бошқалар)ни тайёрлаш ва тарқатиш. | 1. Кўргазмалар материаллар (плакатлар, баннерлар, рисоалар, буклетлар, инфографикалар ва бошқалар)ни тайёрлаш.<br>2. Тайёрланган материалларни аҳолига, тадбиркорлик субъектлари вакилларига, давлат статистика хисоботини топширувчи субъектлар вакилларига тарқатиш. | Доимий                                          | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Ҳамрақулов,<br>Д.Расулов,<br>Идоравий комиссия, ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқлари                                                                                    |
| 3.                                                                                                                                                                                                                                          | Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва билимларини оширишда                                                                                                                                   | Мавзули аудио-видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда фуқароларга коррупцияга нисбатан                                                                                                                    | 2019 йил давомида алоҳида                       | Идоравий комиссия,<br>Х.Ҳамрақулов,<br>Д.Расулов,                                                                                                                                                            |



| №  | Баъариладиган тадбирлар                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             | Баъариш муддати                  | Баъариш учун масъуллар                                                                                                       |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|    | мақсадли тадбирларни амалга ошириш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | мурасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳуққини шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида кампанияларни ўтказиш.                                                                                                                                                                                                                                  | режа-жадвал асосида              | худудий статистика бўлиmlари бошликлари                                                                                      |
| 4. | Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш.                                                                                                                                                                         | Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг ахборот-тарғибот ишларини олиб боришда Андижон вилояти телерадиокомпанияси билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш ва ишлаш.                                                                                                                                                                                                          | 2019 йил давомида                | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Идоровий комиссия,<br>худудий статистика бўлиmlари бошликлари                                |
| 5. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат статистика органлари мансабдор шахслари ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш.                                                                                                                                                                             | Тизим раҳбар ва ходимлари томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилишга йўл қўймаслик, коррупция ҳолатларини олдини олиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида, уларга норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини ва аҳамиятини чуқур етказиш бўйича семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш.                                     | 2019 йил давомида ҳар чоракда    | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Ҳамрақулов,<br>Д.Расулов,<br>Идоровий комиссия,<br>худудий статистика бўлиmlари бошликлари |
| 6. | Давлат статистика органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлари, ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни баъаришда ҳалоллик, ҳолислик, беғаразлик таъмоийлларига риоя қилишлари таъминлашга ҳамда лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш.<br>2. Одоб-ахлоқ қоидаларини тушунтиришга, ходимларнинг ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини оширишга, ҳалоллик, ҳолислик, беғаразлик таъмоийлларига риоя қилиш ва салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган семинар, давра суҳбатлари ташкил этиш. | 2019 йил давомида                | Х.Мирзаев,<br>Одоб-ахлоқ комиссияси,<br>худудий статистика бўлиmlари бошликлари                                              |
| 7. | Алоҳида мақсадли гуруҳларнинг (давлат хизматчилари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва бошқалар) коррупцияга қарши курашиш механизми ва тизими ҳақида ҳуқуқий билими ва баъардорлигини ошириш юзасидан аҳамиятга эга бўлган амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.                                                                                         | Давлат органлари фаолиятининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш борасида амалий таъсияларни ишлаб чиқиш.<br>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари бўйича махсус материаллар (буклет, баннер, плакатлар)ни яратиш ва тарқатиш.                                                         | 2019 йил октябрь-ноябрь ойларида | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Идоровий комиссия,<br>Х.Ҳамрақулов,<br>Х.Мирзаев,<br>худудий статистика бўлиmlари бошликлари |
| 8. | Вилоят статистика бошқармасининг веб-сайтида                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | Идоровий комиссиялар саҳифаларининг самарали                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        | 2019 йил                         | Х.Ҳамрақулов,                                                                                                                |



| №                                                                                                      | Бажариладиган тадбирлар                                                                                                                                                                                                          | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | Бажариш муддати                   | Бажариш учун масъуллар                                                                                            |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                        | Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияларнинг фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида уларнинг саҳифаларини очиш ва уларнинг самарали ишлашини таъминлаш.                                                            | фаолият юритишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни эълон қилиб бориш.<br>- коррупцияга қарши тадбирлар ҳақида ҳисобот ва маълумотлар;<br>- коррупциянинг тарқалиши ва идрок этилиши ҳақида ижтимоий ва илмий тадқиқотлар натижалари;<br>- маълумот, методик ва ахборот материаллари;<br>- коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни муҳофама қилиш учун жамоатчилик билан қайта алоқа механизмлари ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари. | давомида                          | Х.Ахунов,<br>Идоравий комиссия,<br>худудий статистика бўлимлари<br>бошлиқлари                                     |
| 9.                                                                                                     | Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш соҳасида давлат статистика органларининг нодавлат нотижорат таъкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш.                  | Нодавлат нотижорат таъкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан келишувлар ва шартномалар тузиш, ҳамда улар доирасида ўзаро шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                           | 2019 йил давомида                 | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Хамракулов,<br>Идоравий комиссия,<br>худудий статистика бўлимлари<br>бошлиқлари |
| <b>II. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар</b> |                                                                                                                                                                                                                                  |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |                                   |                                                                                                                   |
| 10.                                                                                                    | Ўзбекистон, Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни талабларининг ижроси ҳолатини ўрганиш, статистика органлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш. | Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда статистика органларининг фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини ҳар олти ойда бир мартадан мониторинг қилиш ва баҳолаш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        | 2019 йил июль,<br>2020 йил январь | Идоравий комиссия,<br>худудий статистика бўлимлари<br>бошлиқлари                                                  |
| 11.                                                                                                    | Давлат хизматчиларининг зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини баҳолаб бориш.                                                                                      | Давлат хизматчиларининг зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини камда бир йилда икки мартадан баҳолаб бориш ва унинг якунлари бўйича коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функция ва ваколатларининг рўйхатини шакллантиришда иштирок этиш.                                                                                  | 2019 йил 1 июлдан бошлаб          | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Хамракулов,<br>Х.Мирзаев,<br>Одоб-ахлоқ комиссияси                              |
| 12.                                                                                                    | Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий тизимлар самарадорлигини ошириш, шу                                                                                                                                                    | Давлат статистика кўмитасининг тегишли идоравий хужжатлари асосида бошқарманинг хужжатини ишлаб                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | 2019 йил 1 ноябргача              | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,                                                                                      |



| №   | Бажариладиган тадбирлар                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                                                                                                                                       | Бажариш муддати   | Бажариш учун масъуллар                                                                                  |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     | <p>жумладан:</p> <p>хизмат вазифаларини бажаришда ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини лозим даражада тартибга солиш, шунингдек ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни ошириш; давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий координаторларнинг ўзаро ҳамкорлиги; коррупцияга кўпроқ мойил бўлган соҳалар (йўналишлар)ни аниқлаш; идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш.</p> | <p>чиқиш ва қабул қилиш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                  |                   | <p>Х.Ҳамрақулов,<br/>Д.Расулов,<br/>Идоравий комиссия</p>                                               |
| 13. | <p>Давлат статистика органларида коррупция хавфига дучор бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини кўриш, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни, шарт-шароитларни йўқ қилиш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича зарур чораларни амалга ошириш.</p>                                                                                                                                                                             | <p>1. Давлат статистика органлари томонидан коррупция хавфи юқори бўлган йўналишларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш.</p> <p>2. Тизим ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини кўриш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича зарур тадбирларни белгилаш.</p> | 2019 йил давомида | <p>Н.Тўхтабоев,<br/>А.Мамажонов,<br/>Идоравий комиссия,<br/>ҳудудий статистика бўлимлари бошлиқлари</p> |
| 14. | <p>Вилоят статистика бошқармаси мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ва хизмат мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини ва самарадорлик мезонларини баҳолашни амалга ошириш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                             | <p>Вилоят статистика бошқармаси мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини ва самарадорлик мезонларини баҳолаш тизимини ва стандартларини, самарадорлик мезонларини белгилаш регламенти талаблари асосида камида йилда бир мартадан баҳолаш ўтказиш.</p>               | 2019 йил декабрь  | <p>Н.Тўхтабоев,<br/>А.Мамажонов,<br/>Х.Ҳамрақулов,<br/>Идоравий комиссия</p>                            |
| 15. | <p>Ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан илгори илмий-техник воситаларни, ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан идоравий назорат механизмларини такомиллаштириш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                             | <p>Вилоят статистика бошқармаси ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича идоравий назоратни ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш. Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ҳолатини веб-сайт орқали кузатиш тизимини йўлга қўйиш.</p>                                                  | 2019 йил давомида | <p>Н.Тўхтабоев,<br/>А.Мамажонов,<br/>Х.Ҳамрақулов,<br/>Н.Маматов,<br/>Х.Мирзаев</p>                     |
| 16. | <p>Ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларини</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | <p>2019-2020 йилларга мўлжалланган амалий чора-</p>                                                                                                                                                                                                                                                                           | 2019 йил          | <p>Н.Тўхтабоев,</p>                                                                                     |



| №                                                                                                                                                                           | Бажариладиган тадбирлар                                                                                                                                                                                                                                                                            | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | Бажариш мuddати                         | Бажариш учун масъуллар                                                                                       |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                                                                                             | ва талабларини тушунтириш, ҳамда уларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажариш.                                                                                                                                                                    | тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.                                                                                                                                                                                                                                                                                  | июль                                    | А.Мамажонов,<br>Х.Мирзаев,<br>Одоб-ахлоқ<br>комиссияси,<br>худудий статистика<br>бўлимлари<br>бошликлари     |
| 17.                                                                                                                                                                         | Бошқарма ва худудий статистика бўлимлари ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши мониторингини ўтказиш, ушбу соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида тақлифлар тайёрлаш.                                                                          | Вилоят статистика бошқармасининг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан тизим ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши мониторингини ўтказиш ва унинг натижаларини Одоб-ахлоқ комиссияси ва Идоравий комиссия ййгилишларида муҳокама қилиш.                                                                              | 2019 йил<br>июль,<br>2020 йил<br>январь | Одоб-ахлоқ<br>комиссияси,<br>Х.Мирзаев,<br>Д.Расулов                                                         |
| 18.                                                                                                                                                                         | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш (жумладан антикоррупцион экспертизадан ўтказиш).                                                                                                                                                                             | Давлат статистика органларида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш (жумладан антикоррупцион экспертизадан ўтказиш).                                                                                                                                                            | 2019 йил<br>давомида                    | Д.Расулов,<br>худудий статистика<br>бўлимлари<br>бошликлари                                                  |
| 19.                                                                                                                                                                         | Давлат хизматларини кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга, интерактив давлат хизматларининг қўламини янада кенгайтиришга ва жорий қилишга ҳамда электрон ҳуқумат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган ўрганишни ўтказиш ва тақлифлар тайёрлаш. | Статистика соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, интерактив давлат хизматларининг қўламини янада кенгайтириш ва жорий этиш ҳамда электрон ҳуқумат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш.                                              | 2019 йил<br>октябрь                     | А.Мамажонов,<br>Х.Ахунов,<br>З.Сидиқов,<br>худудий статистика<br>бўлимлари<br>бошликлари                     |
| <b>III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш</b> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |                                         |                                                                                                              |
| 20.                                                                                                                                                                         | Давлат статистика органлари билан жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ишонч телефонлари ва «Call-Centr»лари (тез алоқа линиялари) иш самарадорлигини таъминлаш.                                                                            | Давлат статистика органлари ва жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш, Давлат статистика органларидаги барча ишонч телефонлари ва «Call-Centr»лари фаолияти самарадорлигини ошириш ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, ҳамда келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва статистикасини юритиш. | 2019 йил<br>давомида                    | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Н.Маматов,<br>Х.Хамракулов,<br>худудий статистика<br>бўлимлари<br>бошликлари |
| 21.                                                                                                                                                                         | Андижон вилоят статистика бошқармасида фаолият юритаётган "Ишонч телефонлари"га ва худудий статистика бўлимларига келиб                                                                                                                                                                            | Андижон вилоят статистика бошқармасида фаолият юритаётган "Ишонч телефонлари"га ва худудий статистика бўлимларига келиб тушган жисмоний                                                                                                                                                                                           | 2019 йил<br>давомида                    | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Хамракулов,                                                                |



| №   | Бажариладиган тадбирлар                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                                                                                                  | Бажариш муддати      | Бажариш учун масъуллар                                                                                                       |
|-----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     | тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, мониторинг олиб бориш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | ва юридик шахсларнинг мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, мониторинг олиб бориш ва натижаларини Идоравий комиссиянинг йиғилишларида муҳокама қилиш.                                                                                                                                    |                      | Н.Маматов,<br>Идоравий комиссия                                                                                              |
| 22. | Сўровлар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар асосида коррупцияга қарши курашиш тарғиботи ва таълими бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равишда баҳолаш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | Бошқарманинг веб-сайти орқали ҳар чоракда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровномалар ўтказиш ва уларнинг натижаларини Идоравий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиб бориш ва натижалари бўйича тегишли қарорлар (чора-тадбирлар) қабул қилиш.                              | 2019 йил давомида    | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Хамракулов,<br>Х.Ахунов,<br>Идоравий комиссия,<br>хуудудий статистика бўлимлари бошлиқлари |
| 23. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида, куйидагиларни назарда тутадиган тадқиқотларни ташкил қилиш, жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганиш, шунингдек уларни бартараф этиш тақлифларини ишлаб чиқиш; коррупция даражаси, коррупцияни идрок этиш ва шахсий тажрибаси, шунингдек, давлат ҳокимияти институтларига ишонч ва коррупцияга қарши чораларнинг таъсири даражасини баҳолаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш. | Статистика соҳасида коррупцияга мойил бўлган йўналишларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровномалар ўтказиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш тақлифларини ишлаб чиқиш. | 2019 йил давомида    | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Хамракулов,<br>Идоравий комиссия,<br>хуудудий статистика бўлимлари бошлиқлари              |
| 24. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар тайёрлашда иштирок этиш.                                                                                                                                                                                                                                                            | 1. Ишлаб чиқилган қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва тақлифлар тайёрлаш.<br>2. Соҳага доир қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда зарур таҳлилий статистик маълумотларни сўров бўйича тақдим этиш.                                                                | 2019 йил давомида    | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Хамракулов,<br>Д.Расулов                                                                   |
| 25. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги етук миллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда идораларда "9 декабрь - Ҳалқаро коррупцияга қарши кураш куни"ни ўтказиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | Бошқарма ва хуудудий статистика бўлимларида Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги етук мутахассисларни жалб қилган ҳолда идораларда "9 декабрь - Ҳалқаро коррупцияга қарши кураш куни"га бағишланган "Очик эшиклар куни"ни ўтказиш.                                                       | 2019 йил 10 декабрда | Идоравий комиссия,<br>хуудудий статистика бўлимлари бошлиқлари                                                               |
| 26. | Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | 1. Ҳар чорак якунлари бўйича амалга оширилган ишлар                                                                                                                                                                                                                                      | 2019 йил             | Н.Тўхтабоев,                                                                                                                 |



| №   | Бажариладиган тадбирлар                                                                                                                                                                                                                                                                               | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                | Бажариш муддати      | Бажариш учун масъуллар                                                                                            |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     | дастурлари, чора-тадбирлар режалари ва соҳага доир бошқа хужжатларда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини муҳокама ва таҳлил қилиш, келгусида ушбу соҳада ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини ошириш бўйича зарур чораларни кўриш. | натияжалари бўйича мониторинг ўтказиш, таҳлил қилиш.<br>2. Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияларининг йиғилишларида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар натижаларини муҳокамасини ташкил этиш ҳамда келгусида амалга оширилаётган зарур вазифаларни белгилаб бориш.                                                                    | давомида ҳар чоракда | А.Мамажонов,<br>Х.Хамракулов,<br>Идоравий комиссия,<br>худудий статистика бўлимлари<br>бошлиқлари                 |
| 27. | Коррупцияга қарши курашиш бўйича, Вилоят статистика бошқармасининг 2020 йилга мўлжалланган идоравий чора-тадбирлар режасини (дастурини) ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.                                                                                                                 | Коррупцияга қарши курашиш бўйича вилоят статистика бошқармасининг 2020 йилга мўлжалланган идоравий чора-тадбирлар режасини Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.                                                                                                                                                                | 2019 йил декабрь     | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Хамракулов,<br>Д.Расулов,<br>Идоравий комиссия                                  |
| 28. | 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат Дастурининг ҳудудий статистика бўлимларида ижро этилиши бўйича ахборотларни ҳар чорак якуни бўйича вилоят статистика бошқармасининг идоравий комиссиясига ва Давлат статистика қўмитаси ва вилоят идоралараро киритиб бориш.                      | 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат Дастурининг ҳудудий статистика бўлимларида ижро этилиши бўйича ахборотларни ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 1 санасига Коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарманинг идоравий комиссиясига, вилоят статистика бошқармаси ҳар чоракдан кейинги ойнинг 3-санасига Давлат статистика қўмитаси ва вилоят идоралараро комиссиясига киритиб бориш. | 2019 йил давомида    | Н.Тўхтабоев,<br>А.Мамажонов,<br>Х.Хамракулов,<br>Идоравий комиссия,<br>худудий статистика бўлимлари<br>бошлиқлари |